5/27

| | | |
|---|---|---|
| O'zbekiston Respublikasi<br>Samarqand viloyati<br>Kattaqo`rg`on shahar<br>**HOKIMI**<br>**QARORI** | | **РЕШЕНИЕ**<br>**ХОКИМА**<br>**города Каттакургана**<br>**Самаркандской области**<br>**Республики Узбекистан** |

O'zbekiston Respublikasi, Samarqand viloyati, Kattaqo`rg`on shahri, Amir Temur ko`chasi, 4 uy. tel.: (036645) 6-15-89 faks.: (036645) 6-10-01

**2018 у.г. «16» апреля** **№ 668-к** **Kattaqo`rg`on sh. – г. Каттакурган**

**Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчаси атрофидаги шаҳар ҳокимлиги захирасидаги 49,5 кв.метр ер майдонини Хамраев Зиядуллога ажратиб бериш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни ыоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги 97-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Ер ва Шаҳарсозлик кодекслари ҳамда фуқаро Хамраев Зиядуллонинг шаҳар ҳокими номига ёзган арзаси ва шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномасини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚЛАМАН:**

1. Шаҳар ҳокимлиги ҳузурида тузилган комиссия аъзоларининг далолатномаси тасдиқлансин.

2. Каттақўрғон шаҳар Қорадарё кўчаси атрофидан фуқаро Хамраев Зиядуллога савдо дўкони қуриш учун шаҳар ҳокимлиги захирасида турган 49,5 кв.метр ер майдони ажратилсин.

3. Фуқаро Хамраев Зиядуллога белгиланган тартибда келишилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида савдо дўконини қуриш учун ҳужжатларни расмийлаштириш юклатилсин.

4. Ушбу қарор тегишли корхоналардан техник шартлар ва тегишли бўлимлардан рухсатномалар олиш учун асос ҳисобланади.

5. Шаҳар бош архитектори (О.Розиқов) ва ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (У.Турпов)га савдо дўкони қуриш учун ажратилган ер майдонини натура тарзда ўлчаб бериш ва тегишли далолатномаларни расмийлаштириш топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Шаҳар ҳокими** **М.Хашимов**